



Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona_azot

Kimyogar

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 3 (1703) 2022-yil, 24-mart.

АССАЛОМ НАВРЎЗ — янгиликни, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми

Эзгулик ва бунёдкорлик қадриятларини тарғиб этувчи Наврўз байрамини анъанавий равишда мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонлаймиз. Бугун юртимизнинг турли ерларида истиқомат қилаётган инсонлар учун энг пок ва хуррам айём қадри бўлиб қолгани, халқимиз учун муштарак бу қадимги байрам қўтаринки қайфият билан кўтиб олинаётгани бизни қувонтиради.

Вилоятимиз бўйлаб ташкил этилган Наврўз сайиллари одамлар қалбига меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат ришталарини янада мустаҳкамлади. Энг аввало, азалий миллий қадриятларга биноан юртдошларимиз бир-бирларини йўқладилар, кексалар ва кам таъминланган оила-лар ҳолидан хабар олинди.

Шунингдек, байрам арафасида одатдагидай ҳашарлар ўтказилиб, катта ҳажда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Баҳор айёмини ҳурматли Президентимизнинг 2022 йилги "Наврўз умумхалқ байрамини таъбирларига кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарориди кўрсатиб ўтилган "Ассалом, Наврўз — янгиликни, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!" деган бой асосида умумхалқ сайили шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонланиши тўғрисидаги бандига асосан ташкил этилган сайилларда "Farg'onaazot" акциядорлик жамиятимиз фаол иштирок этди. Шаҳримиз марказида жойлашган Ислон Каримов номидаги Фарғона Санъат саройида ўтказилган сайилнинг байрамона безаш кўрик-танловда корхонамизнинг 2-саноат майдонида жойлашган цех жамоалари қатнашди. 1-саноат майдонида жойлашган цехлар эса Қирғули мавзесида жойлашган Кимёгарлар боғида ўз кўргазмаларини халқимизга намойиш этдилар. Кўрик-танловда турли хил кўргазмалар, миллий либослар, бадий чиқишлар, халқ ўйинлари, ранг-баранг ашула ва рақслар, куйланаётган лапарлар барчаннинг баҳри-диллини очди. Корхона ходимлари томонидан тайёрланган байрам дастурхонига сайл иштирокчилари таклиф этилиб, лаззатли таомлар шахримиз аҳолисига улашди.

Наврўз сайлига ташриф буюрган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда шаҳар ҳокими Восилжон Назаров корхонамиз ходимларини байрам билан муборакбод этишиб, корхонамиз томонидан тайёрланган кўринишларни юқори баҳоладилар. Кўрик-танловда иштирок этган барча цехларнинг кўргазмавий чиқишлари, таъбирлариклари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Эъзозхон АБДУЛЛАЕВА.



Корхона бошқаруви раисининг байрам табриги

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР, ҚАДРЛИ КОРХОНАМИЗ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ!

Табият уйғониши рамзи бўлмиш ушбу баҳорий айём қалбларга шодлик бағишлаб, одамларни дўстлик, эзгулик ва бирдамликка чақиради. Борлиқ узра Наврўзи оламнинг қувончли навалари таралиб, атроф ям-яшил майсалар-у гулларга бурканган ҳолда табиятнинг жонланиши, мусаффо осмон бўйлаб қалдирғочлар чўғурлаши, гўзалликнинг янгиликни ва меҳрибонлик айёми келганидан дарак беради.

Шундай шукҳли онларда умидим шуки, ер бағри исиб, табият уйғониши билан одамларнинг ўй-фикрлари ва қарашлари ҳам ён-атрофига уйғун равишда янгиликни, баҳорий мушфиқликдан илҳомланиб, бир-бирларига янада меҳр-шафқатли, оқибатли бўлишсин, янги йилни осойишталик, хотиржамлик ва ишқ-у муҳаббатда бошлашсин; биз, давлат раҳбарлари эса, баҳорий шай-доллик элқинларидан руҳланиб, халқимизда мустаҳкам тинчлик ва бирдамлик шароитини яратиб, тўкин-сочинлик, кун сайин гуллаб-яшнаш неъматини тортиқ қилайлик.

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бу йилги Наврўз тантаналари вилоятимизда ўзгача бир руҳда, янгиликларга бой тарзда ташкил этилди. Наврўз байрами арафасида истироҳат боғларида, маҳалла марказларида, аҳоли хонадонларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Шу ўринда, бизнинг корхонамизда ҳам изчил ишлар амалга оширилди. Минглаб мевали ва манзарали дарахтлар экилди, йўлаклар тартибга келтирилди, ижтимоий кўмакка муҳтож кам таъминланган, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, меҳр ва эътибор кўрсатилди.

Наврўз сайили шодиёналари халқимизга катта қувонч ва хурсандчилик улашди, десак муболага бўлмади. Вилоятимиз бўйлаб ташкил этилган Наврўз сайилида корхонамиздан кўплаб ходимлар этдилар. Бир сўз билан айтганда, Наврўз байрами тантаналари чин маънода халқ сайилига айланиб кетди. Байрам тантаналарида миллий ва халқ ўйинлари, қўшиқлари куйланиб, ходимларимиз томонидан тайёрланган хунармандчилик кўргазмалари намойиш этилди. Барча ҳудудларда баҳор таомлари бўлган сумалак, кўк сомса каби баҳорий таомлар тайёрланди.

Табиятнинг оламшумул ўзгаришларига ҳамоҳанг шаклда корхонамизда ҳам янги маҳсулот турлари юқори сифатли қилиб тайёрланмоқда. Уйлайманки, бугунги кунларда кишлоқ ҳўжалиги ходимлари — миришкор деҳқонлар-у фермерлар янги меҳнат мавсумини эзгу ниятлар билан бошлаб, корхонамиз маҳсулотини, яъни минерал ўғитлар ердамида мўл ҳосил етиштирадilar. Биз уларга жорий йилнинг қўтлуғ келишини ва омад келтиришини тилаб қоламиз.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қўтлайман! Сизларга, аввало, соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилайман. Бошлаган ишларингизда ва ҳаёт йўлларингизда сизларга омад ёр бўлсин! Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб, нурафшон айлосин.

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

Абдулатто САЛИЖАНОВ.



Аёлларга эътироф

Аёлларни эъзозлаш азал-азалдан халқимизга хос хислатдир. Аёл мўътабар она, меҳрибон опа, бегубор сингилдир. Уларнинг қулғу, қувончлари оламни яшнатади, меҳри эса қаттиқ тошни эритади, севгиси дунёни ўзгарира олади-ган қучга эга. Шундай экан, уларни ҳар қанча эъзозласак, ҳар қанча қўқларга кўтарсак ҳам оз.

Корхонамизда фаолият олиб бораётган аёл ва қизларимизнинг жамиятдаги ўрни бекиёс. Уларнинг хизматини эътироф этиш мақсадида 8 март - Хотин қизлар байрами муносабати билан корхонамиз маъмурияти томонидан байрам дастурхони ёзилди. Байрам Қирғули мавзесида жойлашган "Кимёгар" тантаналар масканида бўлиб ўтди. Кечага корхонамиз цех ва бўлимларида ишляётган аёл ва қизлар таклиф этилдилар.

Байрам кечасини табрик сўзи билан корхона бошқаруви раиси Абдулатто Салижанов очди. Корхонамиз раҳбари аёлларга дил изҳорларини тақдим этар экан, уларга соғлиқ, оилаларига хотиржамлик тилади. Шу билан бирга, корхонада уларнинг хизматлари юқори баҳолагани ва хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, жамиятдаги ўрнини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилиши режалаштирилганини

айтиб ўтди.

Мазкур тантанани меҳмонлар, Ўзбекистон давлат филармонияси Фарғона вилоят бўлини маси "Асп" рақс ансамблининг бир-бирдан гўзал рақсларини томоша қилдилар. Вилоятимизнинг таниқли хонандалари, ҳушвоз соҳиблари Гиёс Мавлонов, Шаҳноза Ҳошимова, Нарғиза Махмудова ва бошқалар уларнинг қуй ва қўшиқлари билан оқшом қатнашчиларини баҳраманд этдилар. Сўз устаси ва қизикчи Абдурахмон Сиддиқов қувноқ ҳазил, мутўйбалар билан барчага завқ бағишлади.

Оқшом сўнгига корхонанинг бир гуруҳ фаол аёлларига эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Ўз муҳбиримиз.



Конференция

Корхонамизнинг мажлислар залида 2021-2023 йиллар учун тасдиқланган жамоа шартномаси якунига бағишланган меҳнат жамоасининг конференцияси ўтказилди. Анжуманда Жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан бошқарув раиси Абдулатто Салижанов ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси Илхомжон Абдувоҳидовлар маърузаси тингланди.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ: КОРХОНАДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛДИ?



Тасдиқланганидек, жамиятда ижтимоий шерикчилик асосида корхона ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни янада кучайтириш мақсадида жамоа шартномаси бўйича 2021 йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилган.

2021 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган бевосита ва билвосита даромад миқдори 33 млн. 522 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан сезиларли даражада, яъни 6 млн. 900 минг сўмга ошди.

Касаба уюшмаси кўмитаси маъмурият билан биргаликда ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор қаратиб, тасдиқланган жамоа шартномаси асосида тегишли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Албатта, пандемия Жамоа шартномасининг тўлиқ бажарилишига салбий таъсир қилди. Натيجида режалаштирилган бир қанча тадбирлар бажарилмай қолди. Бу, айниқса, спорт-соғломлаштириш, туризм, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда сўхатдошларга йўлланма бериш билан боғлиқ масалаларда биланди. Лекин, шунга қарамай, ўтган 2021 йил мобайнида:

Жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бўйича:

Корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланадиган маблағларни ажратиш бўйича жами 5 млрд. 630 млн. сўм маблағ сарфланди.

«Farg'onaazot» АЖ касаба уюшмаси кўмитасининг 2021 йил иш режасига мувофиқ «Меҳнат муҳофазаси комиссияси» томонидан бир қанча цехларда меҳнат шартноларини яратиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, цехларда меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилган ишларнинг ахволи ўрганилди. Урганиш давомида аниқланган камчиликлар аксарият қисмининг жойида бартараф қилинишига эришилди. Умуман олганда, 2021 йилда бу соҳада ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ 821,0 минг сўмни ташкил этди.

Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар бўйича:

Жамиятда ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоа шартномасининг «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бандининг бажарилиши юзасидан муайян иш олиб берилмоқда. Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан биринчи бор турмуш қўраётган 154 нафар ёшлар учун моддий кўмак бериш мақсадида 160 млн. сўм маблағ сарфланди.

Олий ўқув юртралида тахсил олаётган иқтисодий талаба ёшларининг 86 на-

фарига ўқув шартнома бўйича тўлов корхона томонидан амалга ошириб келинмоқда. Ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қабурилиши муносабати билан фоизсиз сўда тартибда 70 нафар ходимга 332 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, ташкил этилаётган туристик саёҳатларга ҳам ёшлар кенг жалб этилмоқда. Корхонада самарали меҳнат қилиб, корхонамиз ривожини учун фаоллик кўрсатаётган ёш ишчи-ҳодимлар Тошкент вилоятининг диққатга сазовор жойларида бўлиб қайтилди. 2021 йил ёз мавсумида «Кимёгар» БСОда 4 та мавсумда жами 856 нафар бола соғломлаштирилди. Мавсум давомида оромгоҳни молиялаштириш мақсадида ижтимоий сўғурта, касаба уюшма кўмитаси, ота-оналар ва корхона ҳисобидан 427 млн. 671 минг сўм сарфланди.

Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан спорт ва мебель жиҳозлари, канцелярия моллари, телевизорлар ва спорт мусобақалари фойибларини тақдирлаш мақсадида 25 млн. 538 минг сўм маблағ сарфланди.

Жамоа шартномасида ишчилар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини яхшилаш ва дам олишларига алоҳида эътибор берилди.

2021 йилда ишчи-ҳодимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини санаторийларда мустаҳкамлаш учун келган мурожаатларга кўра, касаба уюшма аъзолик бадалли, ижтимоий сўғурта маблағлари ҳамда хўжалик органи ҳисобидан 277 та йўлланма учун жами 536 млн. 972 минг сўм ажратилди. Шундан 17 та йўлланма бепул берилди.

47 нафар (корхонанинг собиқ ишчиси) нафақахўрнинг мурожаатига кўра, корхона Даволаш-соғломлаштириш диагностика цехи томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар учун 83 млн. 508 минг сўм маблағ ажратилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида, барча цехларга ишчи-ҳодимлар учун йил давомида гигиена воситалари сотиб олинди, тарқатилди. Бу ишлар ҳозирда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича:

Корхона цехлари ва яна бир қанча таркибий бўлинмадаги Маънавият хоналари учун мебель жиҳозлари сотиб олиб берилди. Овқатланиш хоналари учун Термоспот, иситиш печи, музлатгич, сув иситгич (Аристон) каби жиҳозлар билан ҳам таъминлаб берилмоқда. Ушбу мақсадлар йўлида 127 600,4 минг сўм маблағ сарфланди. «Эн яхши инновацион лойиҳа»,

«Касб маҳорати», «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари», «Заковат» интеллектуал ўйинлари, «Ёш китобхон», «Ибратли оила» каби кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда ҳамда касаба уюшма кўмитаси дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

Шу ўринда, Ҳамширалар кўни, Қурувчилар кўни, Темирийўл ходимлари кўни, Устоз ва мураббийлар кўни, Транспорт ходимлари кўни, Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни каби касб байрамлари муносабати билан ҳам корхонанинг соҳа мутахассислари мунтазам равишда тақдирланиб келинмоқдалар. Буларнинг барчасига 25 392,0 минг сўм маблағ сарфланди.

Кимёгарлар касб байрами муносабати билан 51 нафар эҳтиёжманд ишчи-ҳодимлар оилаларига 12 332,4 минг сўмлик озиқ-овқат жамламалари топширилди.

11 ноябрь Касаба уюшмалари кўни муносабати билан корхонамизда фаолият юритаётган 100 нафар ишчи-ҳодимни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга касаба уюшма кўмитаси томонидан 19 млн. сўмлик озиқ-овқат тўғламалари берилди.

Ишчи-ҳодимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва шу орқали иш самарадорлигини ошириш мақсадида ишчи-ҳизматчилар учун цехларга спорт тренажерлари (жиҳозлари) олиб берилмоқда. Мисол учун, йил давомида деярли барча цехларга 160 млн. 730 минг сўмлик анжомлар, турник, стол тенниси, югуриш йўлаги каби спорт тренажерлари сотиб олинди тарқатилди. Бу билан деярли барча цехларда кичик спорт хонасининг ташкил этилишига эришилди.

Йил давомида спартакиада спорт мусобақалари, футбол, камондан ўқ отиш, югуриш марафони, стол тенниси, волейбол, шашка ва шахмат ва яна бир қанча спорт тадбирини ташкил этиш ва фойибларини тақдирлаш мақсадида 83 млн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Туризм соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб, ўтган йилларга нисбатан анча ўсishга эришилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Фарғона вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда 2021 йил давомида Хива ва Самарқанд тарихий шаҳарлар бўйлаб жами 101 нафар ишчи-ҳодим учун туристик саёҳат ташкил этилди. Шундай қилиб, 2021 йил давомида «Farg'onaazot» АЖ да ишлатилган жами 372 нафар ходим туристик саёҳатларда бўлиб қайтди. Ушбу мақсадда касаба уюшма кўмитаси томонидан 236 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.



Умуман олганда, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича касаба уюшма кўмитаси томонидан 745 млн. 128 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бўйича:

Корхонамиз касаба уюшма кўмитасига келиб тушган мурожаатларга кўра мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йилда бу борада анча юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Яқин қариндошнинг вафот этганилиги, соғлиғини тиклаш, тишларни протезлаш ва даволаш, ишламайдиган пенсионерлар, биринчи бор турмуш қўраётган ёшлар, ижтимоий муҳофазасига муҳтож оилаларга озиқ-овқатлар жамламалари ҳамда биринчи синфга қабул қилинган болаларнинг ота-оналари учун жами касаба уюшма кўмитаси томонидан 1 млрд. 278 млн. 250 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ишчи-ҳодимларнинг юбилей саналарини нишонлаш, нафақа ёши ва нафақага чиқиши муносабати билан эсдалик совғалари билан рағбатлантириш учун касаба уюшма кўмитаси томонидан 72 млн. 942 минг сўм маблағ сарфланди.

Корхонада амал қилаётган Низомларга мувофиқ:

- корхонада 20,25,30,35,40,45,50 йил давомида интизомли ишлагани учун; - 50,60,70 ва кейинги ҳар 5 йиллик юбилей саналари муносабати билан; - нафақа ёшига етганда ва корхонадан нафақага чиқиш муносабати билан ишдан кетаётган ходимлар корхона томонидан мунтазам равишда рағбатлантириб келинмоқда. Булардан ташқари, жамоа шартнома-

сига мувофиқ иш бевуви томонидан Наврўз, Кимёгарлар касб байрами, Ҳайит байрамлари, Мустақиллик кўни каби байрамлар арафасида барча ишчи-ҳодимлар рағбатлантирилмоқда. Қолаверса, жамоа шартномаси талабларидан келиб чиқиб, ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида рағбатлантиришнинг алоҳида муҳим ишлаб чиқариш топшириғини бажарганлик учун мукофот, стаж учун устама ҳақ, касбий маҳорат ва меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришгани учун устама ҳақ, персонал устама, персонал оқлад турлари жорий этилган.

2021 йил сўнгида «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида ўртача иш ҳақи 3 млн. 521 минг сўмни ташкил этди. Корхонада Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига қонунчиликда белгиланган энг кам миқдорларидан 10% баландроқ этиб оширилган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўзгарган тақдирда ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Афсуски, орамизда меҳнат интизомини бузадиганлар ҳам йўқ эмас. Конференцияда ушбу масалага ҳам жиддий ёндашилди. 2021 йил мобайнида Иш бевуви томонидан ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга касаба уюшма кўмитасининг розилигини сўраш учун 23 нафар ходимга нисбатан тақдиминома киритилган. Шулардан 15 нафар ходим касаба уюшмаси розилиги билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Урганишлар натижасида аниқланган маълум сабабларга кўра қолган 8 нафарига эса касаба уюшмаси розилиги берилмади ва улар ҳозирда меҳнат фаолиятини давом эттиришмоқда. Меҳнат шар-

тномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдиминомаларни таҳлил қилганда, касаба уюшмаси ўз аъзоларини меҳнат қонунчилиги доирасида ҳимоя қилади!

Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб шунга алоҳида қарайлик, жамоа шартномаси иккала томоннинг манфаатларига хизмат қилади ва томонларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилади. Конференцияда корхона цех ва бўлимлари ишчи-ҳодимларидан сайланган делегатлар катнашдилар. Улар ўз сўзларида жамоа шартномаси тадбирларини ўз иш жойларида амалга оширилаётганлиги ҳақида гапириб ўтдилар. Мунозаралар тугагандан сўнг, 2021 йилда Жамоа шартномасининг бажарилиши қонқарли, деб топилди. Амалдаги Жамоа шартномаси қўшимча ва ўзгартиш киритиш лойиҳаси умумий овоз бериш орқали тасдиқланди. Киририлган ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда «Farg'onaazot» АЖ меҳнат жамоаси конференциясининг қарори қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг меҳнат техник инспектори Дўстмуҳаммад Тўйчиев, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси Нилуфар Музаппарова ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Фарғона вилоят Кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Турсунали Каримовлар иштирок этишди.

«Farg'onaazot» АЖ касаба уюшмаси.

ХМД ЦЕХИДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Корхонада аварияларни бартараф этиш, кўнгилсиз ҳодисалар олдини олиш мақсадида Хлорат-магнийли дефолиант цехида «Хлорат сақлаш идришидаги (сифими 60 т маҳсулот бўлган) оловнинг тарқалиши билан боғлиқ содир бўлган ёнғин, жабрланган ишчилар, тезкор хизматлар: қўтқарув отряди, ёнғин қўтқарув қисми, тиббий хизмат, идоровий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлимларини жалб қилган ҳолда ёнғин ҳудудини ўраб олиш ва одамларни зарарланган ҳудуддан олиб чиқиш» мавзусида ўқув машғулотли ўтказилди.

Ўқув машғулотли янги техникани жалб қилган ҳолда ўтказилди, жумладан:

— Авария содир бўлган жойга ёнғин қўтқарув қисми ўт ўчирувчиларни зудлик билан етказиб бевуви махсус ўт ўчириш машинаси, ёнғинни ўчириш учун махсус қурилма ва жиҳозлар ҳимоя, алоқа ва ёритиш воситалари;

— авария содир бўлган жойга қўтқарувчиларни зудлик билан етказиб бевуви авария-қўтқарув транспорт воситаси, махсус қурилма ва жиҳозлар ҳимоя, алоқа ва ёритиш воситалари, қўтқарувчилар учун ҳимоя воситалари ва ҳимоя кийимлари, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва қўмондонлик пунктини ташкил этиш;

— фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларни маҳаллийлаштиришнинг тўғрилиги ва оқибатлари бўйича шахсий таркиб ва фавқулодда вазиятлар хизматининг барча ҳаракатлари аниқ кўрсатилиб, жабрланганларга тиббиёт ходимлари ва қўтқарув отряди аъзолари иштирокида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Машғулотлардан сўнг, аварияни тўғри ва ўз вақтида тарқалишини чеклаш ва ишчиларни эвакуация қилиш, ишчилар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида ММ, ХТ, АММ ва ХИЧО СХ бошқармаси, қўтқарув отряди, ёнғин қўтқарув қисми, идоровий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими ва тиббиёт ходимлари корхона ходимларига тушунчалар бериб ўтдилар. Шу ўринда, ёнғин содир бўлган вазиятларда одамларни эвакуация қилиш жараёнини ёритиб бердилар. Шунга таъкидлаш керакики, гарчи корхонамизда фаолият юритаётган барча ишчи-ҳодимлар саноат ва экологик

хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш санитарияси ва хавфсизлик техникаси бўйича барча асосий талаблар, нормалар ва қоидаларга амал қилиб, корхонада амалдаги йўриқномаларга мувофиқ ўз вазифаларини бажариб, маъсулият билан ёндашсалар, фаолият туридан катъий назар, авария ва нохуш ҳодисаларнинг олди олинади.

Хўрматли ҳамкасблар, ёнғин хавфсизлигига эътиборли бўлинг! Иш жойингизда турли моддалар билан ишлаётганингизда корхонамиз қонун-қоидаларига амал қилишингиз ўзингиз ва жамоангиз саломатлигига зарар етказилишидан сақлайди. Сизнинг саломатлигингиз бизлар учун муҳим!

ММ, ХТ, АММ ва ХИЧО СХ бошқармаси.



ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ – МАЪМУРИЙ СУДНИНГ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасидаги тарихий ислохотлар, энг аввало, мамлакатимизда суд ҳоқимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судлов самарадорлигини ошириш, шу орқали халқимизнинг судларга бўлган қатъий ишончини ошириш ва муносабатини ўзгартиришга қаратилган бўлиб, уларнинг амалиётга жорий этилиши бугунги кунда ўзининг аниқ самарасини бермоқда.



Жаҳон миқёсидаги жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда "Инсон ҳақри учун" тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 28 январь кунги ПҚ-60 сонли фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатилиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида, маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш механизмининг такомиллаштирилиши орқали суд назоратини кўллаш соҳасини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилган.

Ҳозирги кунда маъмурий суд жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасида юзага келаётган низоли ҳал этишга ихтисослашган судга айланди. Фуқаролар ва юридик шахслар давлат органлари мансабдор шахсларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) дан норози бўлган тақдирда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда эркинликларини рўйга чиқариш учун маъмурий судларга ариза билан мурожаат қилмоқдалар.

Масалан, 2021 йилда Фаргона вилоят маъмурий судлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг судга тақдим қилган 552 та аризаси қаноатлантирилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Жумладан, давлат органларининг 376 та қарори ҳақиқий эмас деб топилган, давлат органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф, деб топилш юзасидан 149 та ариза ва шикоят қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январь кунги "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-

107-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра давлат органлари томонидан суд қарорларининг ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш кўзда тутилган.

Хусусан, қарорга кўра, ҳуқуқий бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий суд ваколатига ўтказиш;

тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқини бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомидан ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг тақроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дағдлаб қўлланган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш амалиётини йўлга қўйиш;

судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни тақиқлаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш мақсад қилинган.

Улуғбек АХМЕДОВ,
Фаргона вилоят маъмурий суди судьяси.

ГЕНДЕР – ТЕНГЛИК, ЖАМИЯТДА АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ МЕЗОНИ

Маъмурият, гендер – хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодий, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намойён бўладиган ижтимоий жиҳатлари тенглигидир.

Яқин ўтмишда жамиятимизда гендер тенглиги йўлида жуда кўп сай-ҳаракат қилинди, бироқ хотин-қизларнинг турмуш тарзи, жамият ҳаётидаги иштироки ва сайлов ҳуқуқи бўйича тенг имкониятларни таъминлаш учун ҳали кўп чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Ҳозирги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида эркеклар ва аёлларимиз учун бир хил ҳуқуқлар, имтиёзлар, бурчлар ва имкониятларнинг тенглигига эришишга қаратилган, гендер тенгликка асосланган истиқболдаги тараққиёт йўлини белгилаб бормоқда.

Бунда, истиқболдаги тараққиёт йўлининг мақсади — ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий

мавқеидан қатъий назар, хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборатдир. Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, гендер тенгликка эришиш давлат хизматида ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси, шунингдек, таълим, илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқли имкониятларни таъминлаш каби устувор йўналишлар асосида амалга оширилади.

Абдулазиз ХАМДАМОВ,
Паркент тумани Адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Глобальное потепление и, как следствие, изменение климата, непосредственно связано с человеческой деятельностью. Сегодня у всех на слуху такие слова, как углеродная нейтральность, углеродный след. Так почему сегодня в мире озабочены этими вопросами? Быстрое развитие промышленного производства не только влияет на истощение природных запасов углеводородов, но и отрицательно сказывается на климате земли.

КАК ИСПОЛЬЗУЮТСЯ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫЕ ИСТОЧНИКИ ЭНЕРГИИ В АО "FARG'ONAAZOT"

Поэтому большинство стран в мире обещает добиться углеродной нейтральности, то есть сократить до нуля выбросы углекислого газа и его аналогов как в процессе производственной деятельности, так и компенсируя эти выбросы за счет внедрения углеродно-отрицательных проектов. На сегодняшний день государства, на которые приходится 65 процентов всех вредных выбросов, и которые представляют 70 процентов мирового ВВП, приняли на себя обязательства по сокращению эмиссий до нулевого уровня. Среди них – Япония, Южная Корея, Китай и страны Евросоюза.

Сегодня для того, чтобы осваивать новые рынки сбыта и продвигать свою продукцию в странах Европы, необходимо придерживаться нового механизма трансграничного углеродного регулирования (СВМ — Carbon Border Adjustment Mechanism), представленного Еврокомиссией. Согласно данному механизму предполагается, что импортируемая в Европу продукция с высоким углеродным следом будет облагаться налогом, а это, в свою очередь, снижает конкурентоспособность производителей промышленной продукции, не использующих при производстве ВИЭ.

Чтобы получить исчерпывающую информацию о том, как обстоит дело с внедрением возобновляемых источников энергии в АО «Farg'onaazot», мы обратились к главному энергетнику предприятия М.Ю. Исмаилову.

— **Маъруф Юлдашевич, сажайте пожалуйста, что послужило толчком для внедрения на нашем предприятии возобновляемых источников энергии?**

— Наша страна идет в ногу с мировыми тенденциями по внедрению зеленых технологий, так, в Узбекистане принят Закон «Об использовании возобновляемых источников энергии». Данным законом регулируются отношения в области использования возобновляе-

мых источников энергии. Президентом нашей страны также принимаются последовательные шаги по внедрению возобновляемых источников энергии, что нашло своё отражение в принятых постановлениях, к числу которых относится постановление «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» от 22 августа 2019 года. В нем предусмотрена комплексная организация работ по повышению энергоэффективности, широкому внедрению энергосберегающих технологий и эффективного использования топливно-энергетических ресурсов. В прилагаемой к данному документу дорожной карте определены мероприятия и чёткие механизмы её реализации. Кроме того, постановлением Президента Ш.Мирзиёева «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019 — 2030 годов» принята долгосрочная стратегия, которая позволит обеспечить принятие системных мер по внедрению «зеленых» технологий и переходу на «зеленую» экономику. Все вышеперечисленные документы приняты нами к исполнению.

— **Каково общее количество установленных фотоэлектрических преобразователей солнечной энергии? Где они установлены?**

— Если говорить фактами, сегодня у нас на предприятии для обслуживания административно-бытовых корпусов структурных подразделений предприятия в общей сложности установлено 54 комплекта гелиоколлекторов, каж-



дый комплект которого вырабатывает 33,6 Гкал тепла в год. Что касается фотоэлектрических станций солнечной энергии, то такие станции стали устанавливаться с 2017 года. Тогда они были установлены в реабилитационном отделении Лечебно-оздоровительного диагностического цеха. Сейчас 2 панели исправно работают, каждая из них выдает электроэнергию по 1,5 квт/час. В мае на крыше актового зала заводоуправления были установлены панели, вырабатывающие 5 квт/час электроэнергии. В сентябре месяце того же года в административно-бытовом корпусе цеха электроснабжения были установлены панели, вырабатывающие 3 квт/час электроэнергии. В этом году в ведомственном в строй здании учебного центра были установлены панели, вырабатывающие 10 квт/час электроэнергии.

— **Расскажите о планах на будущее по дальнейшей реализации на предприятии возобновляемых источников энергии?**

— Отмечу, что работы в этом направлении продолжатся. В соответствии с приказом по предприятию создана рабочая группа, в обязанности которой входит внесение предложений и обеспечение их воплощения в жизнь. Если говорить о планах на нынешний год, то сейчас мы планируем установить на территории 2-й промышленной площадки фотоэлектрические преобразователи общей мощностью 100 квт/час, что, в свою очередь, потребует от нас выбора конкретного места для установки. Фотоэлектрическая станция такой мощности требует отвода под эти цели не менее 400 квадратных метров площади.

— **Какая работа осуществляется на предприятии по экономному и рациональному использованию природных и энергетических ресурсов?**

— В результате внедрения современных технологий по рациональному использованию водных ресурсов, начиная с этого года мы добились ежемесячной экономии электроэнергии на 128 млн. сумов.

Налажена эффективная работа водооборотного цикла, в результате очистки промышленных сточных вод и её последующего использования в производстве, год от года сокращается потребление воды. Внедрены и работают энергоэффективные газовые котлы, водяные насосы, установлено светодиодное освещение. Все вышеуказанные работы по рациональному использованию природных и энергетических ресурсов ни коим образом не сказываются на объёмах и качестве выпускаемой предприятием продукции.

Необходимо особо отметить, что в рамках общенациональной акции «Зелёный год», для полива зелёных насаждений было смонтировано более 25 тысяч метров трубков капельного орошения. Все вышеперечисленные работы приносят свои ощутимые результаты уже сегодня, в будущем работы по экономному и рациональному использованию природных и энергетических ресурсов будут продолжены.

Беседовал
Отбек
БЕГИДЖАНОВ.

УЧЕБНО-ТРЕНИРОВОЧНЫЕ ЗАНЯТИЯ ПО ПЛАС В ЦЕХЕ ХМД

В цехе Хлорат-магниевого дефолианта проведено учебно-тренировочные занятия по ПЛАС.

Темой занятий стало «Возгорание хлората в емкости хранения (вместимостью 60 т продукта) с распространением пламени, пострадавшим работником, оцеплением зоны возгорания и с привлечением экстренных служб: спасательного отряда, пожарной части, медперсонала, ведомственной военизированной охраны и вывода людей из зоны поражения».

Учебная тренировка проходила с привлечением новой техники: - специальной пожарной машины для оперативной доставки бойцов пожарной части, специального оборудования и оснащения для тушения пожара, средств защиты, связи и освещения к месту аварии;

- аварийно-спасательного транспортного средства для оперативной доставки спасателей, специального оборудования и оснащения, средств защиты, связи и освещения к месту аварии, обеспечивающие возможность эквипировки спасателей в средства защиты (защитные костюмы) к месту аварии, оказания первой помощи пострадавшим, организацию командного пункта.

Наглядно были показаны все действия персонала и экстренных служб по правильности локализации и последствия действий по ликвидации аварийных ситуаций, а также была оказана первая помощь пострадавшим при участии медперсонала и бойцов спасательного отряда.

После проведения занятий был проведен семинар. На нем, в част-

ности, отмечалось, что правильная и своевременная локализация аварии и эвакуация работников являются одними из важнейших аспектов в обеспечении безопасности работников, поэтому проведению тренировок по эвакуации людей при пожаре уделяется особое внимание со стороны управления ОТ, ТБ, ООС и ПБ ОПО, Спасательного отряда, Пожарной части, Ведомственной военизированной охраны и медперсонала.


Хочется отметить, что если действующему на предприятии каждому работнику, независимо от рода деятельности, соблюдать все основные требования, нормы и правила промышленной, пожарной и экологической безопасности, охраны труда, производственной санитарии и техники безопасности, выполняя свои прямые обязанности согласно инструкций и положений, то аварии и инциденты на предприятии будут обязательно предотвращены.

А.АНОРИЙ,
ведущий специалист управления ОТ, ТБ, ООС и ПБ ОПО.



Конференция

ОБ ИТОГАХ ВЫПОЛНЕНИЯ КОЛЛЕКТИВНОГО ДОГОВОРА В 2021 ГОДУ



В конференции участвовали делегаты из числа руководителей, председателей цеховых комитетов, рабочих и инженерно-технических работников всех структурных подразделений Общества.



В качестве приглашённых гостей в конференции участвовали: инспектор по труду Федерации профсоюзов Узбекистана Д.Туйчиев, ведущий специалист по социальной защите Республиканского совета профсоюза работников химической и фармацевтической промышленности Н.Музаппарова, а также заведующий отделом социально-экономической за-

щиты интересов трудящихся Ферганского областного Совета профсоюза работников химической и фармацевтической промышленности Т.Каримов. Согласно повестке дня, на ней были рассмотрены следующие вопросы: отчет профсоюзного комитета АО «Farg'onaazot» о работе в 2021 году; утверждение акта о выполнении коллективного договора; рассмотрение проектов изменений

и дополнений в действующий коллективный договор. С докладом на конференции выступили: председатель правления АО «Farg'onaazot» А.Т. Салижанов, председатель профсоюзного комитета предприятия И.Р. Абдувохидов. О работе профкома по конкретным направлениям рассказали делегаты – председатели цеховых комитетов цеха по производству мочевины, цеха

по производству аммиачной селитры и цеха хлорат магниевого дефлюанта. Прения по докладам прошли в открытой и в конструктивной форме. По итогам прений выполнение коллективного договора в 2021 году признано удовлетворительным. Представленные на обсуждение проекты изменений и дополнений в действующий коллективный договор были


одобрены единогласно. С учетом изменений и дополнений в коллективный договор трудовым коллективом АО «Farg'onaazot» было принято постановление. Затем слово было предоставлено техническому инспектору по труду Федерации профсоюзов Узбекистана Д. Туйчиеву, который проинформировал участников конференции о работе, проделанной Федерацией профсо-

юзов в 2021 году по приоритетным направлениям деятельности. В завершение работы конференции, председатель профсоюзного комитета предприятия И.Р.Абдувохидов поблагодарил за работу всех председателей цехкомов, которые ведут большой объем работы, объединяя свои коллективы.

Соб.инф.

ЗДРАВСТВУЙ, НАВРУЗ, ПРАЗДНИК ОБНОВЛЕНИЯ, МИЛОСЕРДИЯ И ДОСТОИНСТВА!

Ежегодно 21 марта, в день весеннего равноденствия, весь народ Узбекистана традиционно отмечает Навруз, теплый и любимый сердцу каждого узбекистанца, праздник.



Он является олицетворением добра и милосердия. Праздник Навруз почитается за мудрость, пришедшую из глубины веков. История праздника уходит корнями в далекую древность. Навруз, имеющий трех тысячелетнюю историю, у нас в стране отмечается с широким размахом. Этот праздник является олицетворением самой природы. Сегодня праздник Навруз в независимом Узбекистане – событие государственного значения и одна из главных национальных традиций. Как и тысячелетия назад, он полон древнейших самобытных ритуалов и красочных обрядов.

В условиях Нового Узбекистана, когда каждый соотечественник, независимо от национальности, языка и религии, все глубже осознает свои права и интересы, честь и достоинство, в этих работах общественным праздником и отмечается с большой радостью и воодушевлением. Поэтому в союзу с нынешними процессами, праздник Навруз в этом году отмечается под девизом: «Ассалом, Навруз – праздник обновления и доброты, чести и достоинства!»

Празднование Навруза, организованное по всей области, еще больше укрепило узы добра, терпимости и великодушия в сердцах людей. В соответствии с древними национальными ценностями, в этот день наши соотечественники ходят друг к другу в гости и справляются о нуждах пожилых людей и малообеспеченных семей.

В этом году в канун празднования Навруза были проведены масштабные работы по благоустройству и озеленению городов и районов области, в этих работах активное участие приняли работники организаций и предприятий области.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О подготовке и проведении национального праздника Навруз в 2022 году», 21 марта текущего года в Фергане были организованы народные гуляния, духовно-просветительские мероприятия, а также выставки ремесленничества, на которых активное участие принимали структурные подразделения АО «Farg'onaazot».

Так, на площади вокруг Дворца искусств имени Ислама Каримова цехами 2-й промышленной площадки нашего предприятия была организована выставка, которая привлекла внимание горожан и гостей Ферганы - участников народного гуляния. В парке «Химик», что на жилмассиве Киргули, коллективы цехов 1-й промышленной площадки организовали масштабные гуляния, на которые пришли работники предприятия и жители массива.

Представленные на выставке образцы национальных костюмов и изделий ручной работы вызвали неподдельный интерес у публики. В этот день все желающие могли отведать приготовленные работниками предприятия национальные весенние блюда.

Особую изюминку праздничному мероприятию добавили выступления художественной самодеятельности. Звучавшие в этот день народные танцы и красочные песни внесли атмосферу праздника.

Во время посещения выставки, хоким области Хайрулло Бозоров и хоким города Ферганы Восилжон Назаров тепло поздравили сотрудников нашего предприятия с праздником, и отметили высокий уровень организации выставки. Все цеха, принявшие участие в выставке были награждены памятными подарками от оргкомитета предприятия.



Сумальяк - весеннее лакомство Навруза, вкусное и полезное блюдо, которое восстанавливает силы и дарит бодрость, утраченную за зиму. Сумальяк имеет многовековую историю и занимает почетное место на богатом дастархане Навруза.

Каждый год в преддверии Навруза во всех районах Узбекистана можно наблюдать огромных размеров котлы, вокруг которых весь день и всю ночь не смолкают звуки веселья и танцев - это «Сумальяк сайли» («Праздник сумальяка»), который призывает людей к дружбе, братству и сотрудничеству.

В наши дни сумальяк обычно готовят с близкими людьми, соседями, махаллей. Сохранился хороший обычай раздавать соседям и знакомым сумальяк сразу после его приготовления.

Существует поверье, что если за сезон попробовать сумальяк из семи котлов, то обретешь счастье. А тот факт, что осуществить это удается большинству людей, говорит о том, что люди продолжают, как и прежде, охотно делиться с близкими тем, что у них есть - делиться счастьем жить, видеть своих близких, радоваться новой весне и Наврузу (Новому дню).

Сумальяк, приготовленный с участием всей махалли, раздавался всем жителям. Накануне дегустации сумальяка люди благодарили Всевышнего за приход весны и молились о хорошем, благополучном году. В Сумальяк сайли народ участвовал в различных представлениях, пел песни, танцевал. Это дарило всем счастье и радость.

Чтобы подарить счастье и радость нашим работникам, на нашем предприятии также был организован «Сумальяк сайли». Праздник Сумальяк, в частности, прошел в хозяйственном цехе нашего общества. Женщины с добрыми намерениями принялись за приготовление сумальяка. Как только стол был накрыт, сотрудники цеха тут же были приглашены на празднество. На следующий день сумальяк раздали работникам предприятия.

Соб.инф.